



ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

Х-СЪЕЗДИ

МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент, 6-7 декабрь 2019 йил

МАТЕРИАЛЫ

Х-СЪЕЗДА

ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА

Ташкент, 6-7 декабря 2019 года

Тошкент – 2019

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО УЗБЕКИСТАНА



ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
Х СЪЕЗДИ
МАТЕРИАЛЛАРИ
(Тошкент шаҳри, 2019 йил 6-7 декабрь)



МАТЕРИАЛЫ
Х СЪЕЗДА
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА
(город Ташкент, 6-7 декабря 2019 года)

Тошкент – 2019

12. Парниковый эффект, изменение климата и экосистемы // Под ред. Б. Болина, Б.Р. Дееса, Дж. Ягера, Р. Уоррика. – Л.: Гидрометеоиздат, 1989. – 555 с.
13. Рождественский А.В., Чеботарев А.М. Статистические методы в гидрологии.-Л.: Гидрометеоиздат, 1974. - 137 с.
14. Сагдеев Н.З. Климатические наблюдения в горах.// Отчет регионального семинара ГСНК для Центральной Азии по улучшению систем наблюдений за климатом. Алматы, Казахстан, 24 – 26 мая 2004 г.- Февраль 2005 г.- ГСНК – 94, (ВМО/ТД № 1248).- С. 63 – 66.
15. Сагдеев Н.З. О развитии гидрологической сети наблюдений на малых реках Узбекистана // География в современном мире: теория и практика. Материалы международной научно - практической конференции. - Ташкент, 2006. – С. 318 – 319.
16. Сагдеев Н.З. Синхронность колебаний стока малых низкогорных рек Узбекистана // Узбекистон география жамияти ахбороти.– Ташкент, 2010. – 35 – жилд. - С. 168 – 170.
17. Сагдеев Н.З., Страхова Н.Ю. Водные ресурсы рек низкогорной зоны бассейна р. Ахангаран и их изменения в последние годы // Узбекистон география жамияти ахбороти.– Ташкент, 2010. – 35 – жилд. - С. 168 – 170.
18. Сагдеев Н.З., Страхова Н.Ю. Коэффициент стока низкогорных рек бассейна р. Ахангаран // Узбекистон география жамияти ахбороти. – Ташкент, 2010. – 35 – жилд. - С. 194 – 197.
19. Смирнов Н.В., Дунин-Барковский И.В. Курс теории вероятностей и математической статистики (для технических приложений).- М.: Наука, 1965.- 511 с.
20. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент, Voris-Nashriyot, 2007. – 132 с.
21. Шерфединов Л.З., Пак Е.Л., Давранова Н.Г. Вода – лимитирующий стратегический ресурс социально экономической и экологической безопасности Узбекистана // Водохранилища, чрезвычайные ситуации и проблемы устойчивости. – Ташкент, Университет, 2004. – С. 123 – 133.
22. Шикломанов И.А. Влияние хозяйственной деятельности на водные ресурсы и гидрологический режим. – Обнинск: ВНИГМИ – МЦД. - 1976. – 110 с.
23. Шульц В.Л. Реки Средней Азии.- Л.: Гидрометеоиздат, 1965. - 692 с.
24. Murray C.K., Reeves E.B. Estimated use of water in the United States in 1970. - Washington, 1972. – 32 - 676 р.
25. Schroder. H, Severskiy.I. Water resources in the basin of the Ili river. – Berlin, Mensch and Buch Verlag. – 2004. – 305 р.

Солиев А.С., Тожиева З.Н.*

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲУДУДИЙ НОМУТАНОСИБЛИК

Аннотация. Уибு материал Устозимиз марҳум А.С.Солиевнинг ҳаётлик даврида иқтисодий география фанидаги янгича қараши ва ёндошувлар юзасидан билдирилган гоя ва тақлифлари асосида тайёрланди. Бунда ишилаб чиқаршишининг кўпроқ иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат ва районларда жойланishi, жаҳон ишилаб чиқаршишининг ярмидан кўти Ер шари майдонининг 1,5 фоизида тўпланганлиги, уибு ҳолатга иқтисодий интеграция, мужассамлашув, ихтисослашув жараёнлари ҳамда иқтисодий географик ўрин омилиниң таъсири кўриб чиқилган.

***Солиев Абдусами Солиевич** – география фанлари доктори, профессор
Тожиева Зулхумор Назаровна – ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси мудири, география фанлари доктори, профессор. E-mail: z_tadjieva@mail.ru.

Калит сўзлар: иқтисодий фаоллик, зичлик, ихтинослашув, иқтисодий интеграция, мужассасмалашув.

Экономическая география: экономическая интеграция и территориальная неравномерность

Аннотация. Данный материал был подготовлен нами на основе идей и предложений ныне покойного нашего наставника А.С. Салиева, касающихся новых взглядов и подходов в экономико-географической науке. В статье рассматривается ситуация, при которой производство размещается, большей частью, в экономически развитых странах и районах, в результате чего более половины мирового производства сосредоточено на 1,5 процентах земной поверхности, а также оценивается роль процессов экономической интеграции, концентрации, специализации производства и фактора экономико-географического положения в формирования соответствующего положения дел.

Ключевые слова: экономическая активность, плотность, специализация, экономическая интеграция, концентрация.

Economic geography, economic integration and territorial imbalance

Abstract. This material was prepared by us on the basis of the ideas and proposals of our deceased mentor A.S. Saliev, concerning new views and approaches in economic and geographical science. The article considers the situation in which production is located mainly in economically developed countries and regions, as a result of which more than half of world production is concentrated on 1.5 percent of the earth's surface, and the role of economic integration processes, concentration, production specialization and factor economic and geographical position in the formation of the corresponding state of affairs.

Key words: economic activity, density, specialization, economic integration, concentration.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш сиёсатини амалга оширишда учта географик жиҳатлар: зичлик, иқтисодий географик ўрин ва масофалар хисобга олиниши керак. Ушбу тушунчаларнинг бир-биридан фарқ қилиши ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий географиядаги тафовутларни ўзида акс эттиради. Иқтисодий ривожланиш учун зарур бўлган географик зичлик, иқтисодий географик ўрин ва ҳудудий бўлиниши, масофа учта асосий географик даражадаги - маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда иқтисодиётнинг асосий механизmlарини ва тегишли сиёсатларни аниқлашга ёрдам беради. Булардан биринчиси, яъни зичлик маҳаллий даражада муҳим рол ўйнайди. Муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, миллий, яъни қишлоқларда, катта ва кичик шаҳарларда турмуш даражасини тенглаштиришга ёрдам берадиган бозор механизmlаридан фойдаланган ҳолда керакли самарага эришишни таъминлайди.

Иқтисодий ишлаб чиқариш дунёнинг асосан бир нечта минтақаларида - Шимолий Америка, Шимоли-шарқий Осиё ва Фарбий Европада тўплланган бўлиб, улар энг интеграциялашган ҳудудлар ҳисобланади. Бошқа минтақалар, эса аксинча, бўлиниб кетган ва яхши интеграциялашмаган ҳудудлардир. Шу ўринда иқтисодий географик ўриннинг халқаро даражада жаҳон бозорларига чиқиш нуқтаи-назаридан маълум аҳамиятга эга бўлса-да, баъзан ҳудудлар чегараларининг бир-биридан ўтмаслиги, валюталар ва уларни тартибга солувчи тизимларидаги фарқлар иқтисодий интеграциялашувда ва иқтисодий ривожланишда иқтисодий географик ўринга қараганда анча жиддий тўсиқлардан ҳисобланади. Иқтисодиёти кучли бўлган йирик давлат билан қўшничилик қилаётган кичик мамлакатларда, глобал иқтисодиётга қўшилиш, интеграция алоқаларини ривожлантириш энг қийин масалалардан бўлиб қолмоқда. Бирок, ҳар қандай ҳудудларда географик даражадаги мумкин бўлган муаммо бир хил, яъни аксарият одамлар бир жойда яшашиди, ишлаб чиқариш бошқа жойда ривожланган ва тўпланган бўлади. Одамларни ишлаб чиқаришга турли йўллар билан жалб қилиш ва даромадлардаги

географик тафовутларини бартараф этиш айни вақтда ўта мухим масалалардандир. Иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаси, мамлакатлар ахолиси ҳаёт даражасини асосий кўрсаткичларидағи худудий номутаносибликка барҳам беришга ёрдам берадиган сиёсатни жорий этиш лозимлигини тақозо этмоқда. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва турмуш даражасини тенглаштириш жараёнлари рўй беради.

Иқтисодий интеграция тобора ривожланиб бораётган бир пайтда сиёсат чора-тадбирларига мувофиқ ҳолда мамлакатни комплекс ривожлантиришнинг мураккаб вазифаларини бажариш иқтисодиётнинг географик хусусиятлари билан белгиланади. Бугунги кунда иқтисодий ривожланишдаги географик номутаносибликлар тўғрисидаги сиёсий мунозаралар кўпинча кўрилаётган чора-тадбирларнинг худудлардаги бажарилиш ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ривожланаётган давлатлар учун кўшни давлатлар ва узоқ давлатлар билан иқтисодий интеграцияси жуда катта аҳамиятга эга. Интеграция алоқаларига эришиш қийин бўлган ҳолларда, давлат дастурларини бажаришда имкон қадар кенг қамровли ишларни амалга ошириш лозим. Мазкур ишларнинг барчаси худудларда истиқомат қиласидан ахолининг фаровон яшашига қаратилгандир.

Фаровонлик кўп жиҳатдан географик омиллар билан белгиланади. Масалан, “*кейинги бир неча ўн йилликда ўртача америкалик ўртача Замбияликдан юз баравар кўпроқ даромад олади ва биринчисининг умр кўриши муддати нисбатан ўттиз йилга узун бўлади. Аммо бу миллий ўртача кўрсаткичлар ортида янада ташвиши рақамлар турибди. Агар вазият тубдан ўзгармаса, у ҳолда Замбия қишлоғида тугилган бола, мамлакат пойтахти Лусака шаҳридан узоқда, Нью-Йоркда тугилган болага нисбатан ярмидан кўпрогини яшайди ва ҳар иккى қисқа ҳаёти учун атиги бир фоиз даромад олади. Нью-Йоркда яшовчи киши бутун умри давомида таҳминан 4,5 миллион доллар даромад олади, Замбия қишлоғида яшайдиган киши эса, атиги 10 минг доллардан кам пул олади*” [4]. Ушбу “географик қўшимча тўлов” барча ривожланаётган мамлакатларда жуда катта бўлиб, дунё миқёсида даромаднинг энг яхши кўрсаткичи бу нима ёки кимни билишингиз эмас, балки қаерда ишлаётганлигиниздир.

Мамлакатлар, минтақалар ахолиси ўртасида даромадлар ва турмуш даражасидаги ушбу номутаносибликлар иқтисодий ривожланишнинг худудий нотекислигидандир. Бир вақтнинг ўзида барча худудлар бир текисда гуллаб-яшнаши ва ҳамма жойда бир вақтда бир текисда фаровонликда ривожланиши мумкин эмас. Булар барча - маҳаллий, миллий, шаҳарлар миқёсидаги географик худудларга тегишли. Қишлоқлар ривожланишига кўра шаҳарлардан орқада қолиб, уларга етиб олишга ҳамиша шошилишади. Минтақалар, мамлакатлар баъзи жойлари ахолиси турмуш даражаси кўтарилимоқда – бошқалари эса орқада қолмоқда. Айрим мамлакатлар бойиб кетишмоқда, бошқалари эса қашшоқлигича қолмоқда. Агар дунё картасида иқтисодий зичликни акс эттириш лозим бўлса, ҳеч қачон силлиқ бир текис бўлмайди, худди ер шари рельефи сингари нотекис ва қабариқлардан иборат бўлади.

Географик фаровонликни, иқтисодий ривожланганликни белгилайдиган кўрсаткичлардан бири ахолининг уй-жой билан таъминланишидир. Аммо ушбу кўрсаткич бой мамлакатларда камбағал мамлакатларга қараганда камроқ аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ўсиши билан, ахолининг уй-жой билан таъминланиши оиласалар учун камроқ ва компаниялар учун кўпроқ нарсани англатади. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши келгусида гуллаб-яшнаши учун шароит яратади. Давлатлар миқёсида шаҳар, қишлоқ, шаҳарлар ичидаги маҳаллалар ўта мухимдир. Гуллаб-яшнаган катта шаҳарларнинг атрофидаги ахоли камдан-кам ҳолларда қашшоқлиқда яшайди. Агар бирон-бир вилоят иқтисодий ютуқларга эришган бўлса, эртами-кечми, худуд фаровонлик даражаси кўтарилиб боради. Кўшни давлатлар нафақат чегаралар, балки иқтисодий бойликлар билан ҳам бир-бири

билан баҳам кўришади. “Ҳозирги кунда Шимолий Америка, Фарбий, Европа ва Шарқий Осиё” [2]иқтисодиёти гуллаб-яшнаётган минтақалардир, аммо улар ичидаги мамлакатларининг иқтисодий ривожланишини бир текисда, деб бўлмайди.

Минақалардаги мамлакатлар ичида баъзи худудлар бошқаларга қараганда тезроқ ривожланди ва ўз навбатида, мамлакат ҳар бир вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида фаровонлик даражаси бир вақтнинг ўзида рўй бермади ва бермаётир. Иқтисодиётнинг ўта ривожланиши натижасида иқтисодий фаолиятнинг «тўлиб-тошиш» каби ҳолатга олиб келади ва худудларнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлади. Бироқ, шу ўринда "меъёридан ошиш" қобилиятини салбий ҳодисаларга ҳам хос эканлигини унутмаслик лозим. Масалан, ҳаддан ташқари “қашшоқлик”, “бекарорлик”, “низолар” в.х. Бугунги кунда ҳалқаро миқёсда қашшоқлик, саводсизлик дунё ҳамжамиятида ташвиш уйғотмоқда. Дунёning баъзи жойларида аҳолининг юқори ўлим даражаси ҳукмронлик қилаётган бир пайтда, дунёning бошқа қисмларида эса аҳолининг бойлиги, саводхонлиги ва узоқ умр кўриши даври узунлиги билан кўзга ташланмоқда.

Географик номутаносиблиқ-одатда бир вақтнинг ўзида давлат иқтисодий ривожланишини кенгайтира олмаслиги ва бутун мамлакат бўйлаб ишлаб чиқариш билан тенг тақсимланишини таъминлай олмаслигини англатади. Тараккиётда иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга интилаётган сиёсатчилар иқтисодий ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва турмуш даражасининг турли жойларда ўзаро уйғун ҳолда тенг бўлишига эришишга ҳаракат қилишади. Бунда аввало барча жараёнлар бозор, интеграция, миграция ва ихтисослашиш каби омиллари билан чамбарчас бўлиши зарур. Айниқса, иқтисодий интеграция иқтисодий фаровонликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Иқтисодий интеграция - бу ишлаб чиқариш концентрациялашувида, аҳоли турмуш даражасини тенглаштиришда фойдаланиладиган энг реал ва самарали усуслардандир. Иқтисодий интеграция тамойилини амалга ошириш иқтисодий фаолиятни концентрациялаш ва турли минтақалар ўртасида аҳоли турмуш даражасини тенглаштиришга муносаб яхши ҳисса қўшадиган бозор механизмлари ва давлат сиёсати чораларини белгилашни талаб қиласи. Барча ҳолларда ҳам иқтисодий географик ўриннинг, географик шароитнинг иқтисодий имкониятларга таъсирини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ошапти, мамлакатлар ривожланиб борган сари, уларнинг аҳолиси ва иқтисодий фаоллиги ортиб бормоқда. Бироқ, бу жараёнларнинг суръати худуднинг географик миқёсига қараб ўзгаради. Аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг энг тез концентрацияси маҳаллий даражада кузатилса, ҳалқаро миқёсда эса бу паст даражада амалга оширилади. Маҳаллий даражада (кatta ва кичик шаҳарларда) концентрациялашув жараёни тезроқ кечади. Бунда биринчидан, йирик ва кичик шаҳарларда аҳолининг концентрацияси ортиб бормоқда. Баъзи худудларда мамлакатларнинг ривожланишига кўра, иқтисодий зичлик ошади; одамлар тобора катта ва кичик шаҳарларга ёки уларнинг атрофларига кўпроқ кўчиб ўтишади. “Давлатлар кам даромадли мамлакатлар тоифасидан ўртacha даромадли мамлакатлар тоифасига ўтганда (тахминан 3500 АҚШ доллари), у ердаги шаҳар аҳолисининг улуши тахминан 10 фоиздан 50 фоизгача кескин кўтарилади”[2]. Урбанизациянинг ҳозирги суръати бугунги ривожланган мамлакатларда, худди шундай ривожланиш босқичини босиб ўтган пайтдаги кўрсаткичлардан фарқ қилмайди. “Кам даромадли мамлакатларда шаҳар аҳолисининг ўсиши суръати кузатилди. Улар ийлига ўртacha 3 фоизни ташкил этдилар, бу ўртacha даромадли мамлакатларда унинг ўсиши суръатларидан икки баравар кўп, юқори даромадли мамлакатларда эса уч баравар юқори дегани” [4].

Ҳалқаро миқёсда концентрациялашув секинроқ ва узоқроқ давом этади. Даромад даражаси жон бошига “25000 АҚШ долларидан ошган ва ҳалқаро миқёсда ишлаб чиқарии ва бойликнинг концентрацияси юқори бўлган мамлакатларда”[4] бу жараён бугунги

кунда давом этмоқда. Бу иқтисодий ривожланиш йўлига чиққан давлатлар учун иқтисодий ўсиш стратегиялари кейинчалик даромадлари юқори бўлган давлатларда муваффакиятли ўрнатилган стратегиялардан фарқ қилишини англатади. Халқаро даражада (баъзи минтақаларда ва дунёнинг етакчи мамлакатларида) концентрация бир мунча вақт давом этмоқда. Шунга ўхшаш иқтисодий фаолият халқаро даражада кузатилмоқда. Миллий даражада концентрациялашув даражасининг ўсиш суръати нисбатан барқарорроқдир. Бу ерда энг яхши ҳудудий ривожланиш кўрсаткичлари ҳудудларда ишлаб чиқариш салоҳияти ва аҳоли ўсиши билан ўлчанади. Концентрациялашув жараёнининг миқдорий таркибини тасаввур қилиш кийин, лекин “одам бошига тушадиган даромад 10000-15000 АҚШ долларига етганида, у секинлашади ёки умуман тўхтайди”[2]. Дастваб, концентрациялашув жараёни тез кетади ва ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш концентрацияси юқори даромад келтиргунга қадар ўсади.

Ўрганишлар натижаси, баъзи пайтларда, мамлакатлар бойиб боришда давом этаётган бўлишига қарамай, концентрациялашув жараёни тўхтайди - ва бу тўхташ улар юқори даромадли мамлакатлар қаторига кирганда содир бўлишини кўрсатмоқда. Иқтисодий ўсишнинг ҳудудий мувозанатини таъминлаш учун кўплаб таклиф ва тавсиялар берилмоқда, шулардан бири шаҳарларнинг ўсишини назорат қилишдир. Шаҳар ва мамлакат ўртасидаги даромадлар орасидаги тафовутни тезда камайтириш, иқтисодий ривожланишдан ортда қолган маҳаллий аҳоли пунктлари ва жаҳон бозоридан узоқ бўлган ички ҳудудларнинг ҳудудий ривожланиш дастурларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудлар ўртасидаги тобора ортиб бораётган географик номутаносибликни енгиш, бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Brulhart, Marius. 2008. "Intra-Industrial Trade and Trade in Intermediate Goods." Background paper for the WDR 2009.
2. Clemens, Michael, Claudio Montenegro, and Lant Pritchett. 2008. "The Great Discrimination: Borders as a Labor Market Barrier." Background paper for the WDR 2009.
3. Collier, Paul. 2007. The Bottom Billion: Why the Poorest Countries are Failing and What Can Be Done About It New York: Oxford University Press.
4. Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк. Washington, DC 20433.

Тошов Х.Р.

**ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ ГЕОГРАФЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН
БАЪЗИ АСАРЛАР ХУСУСИДА**

Аннотация. Мақолада ал-Казвиний, Абул Фидо ва ад-Димашқийлар томонидан яратилган космографик асарлар қисқача тавсифланган.

Калит сўзлар: космография, Ўрта аср, кутубхона, Сурия, Фаластин, Крачковский, ал-Казвиний, Абул Фидо, ад-Димашқий .

О некоторых трудах средневековых географов Востока

Аннотация. В статье кратко описаны космографические произведения ал Казвини, Абул Фида и ад-Димашки.

Ключевые слова: космография, Средние века, библиотека, Сирия, Палестин, Крачковский, ал Казвини, ад-Димашки, Абул Фида.

About some books in the geography science of East of the Middle Ages

Abstract. In this article, the information is expressed which is about cosmographical books in science of Geography of the Middle Ages.

**Материалы X Съезда Географического общества Узбекистана.
город Ташкент, 6-7 декабря 2019 года**

изучения геодемографических процессов в мире (на примере абортов)	109
Омонтурдиев А.А. Сурхондарё вилояти транспорт тизимларининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари	112
Пирназаров Р.Т. Улкан гидротехник иншоотлар ва улар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар	115
Попов В.А. О ландшафтогенезе и природопользовании на равнинах Восточного Турана в позднем голоцене	117
Рафиков В.А. Методологические аспекты квотирования трансграничных вод Центральной Азии	124
Рахматов Ю.Б. «Сармишсой» дам олиш масканидаги рекреация ресурслари	129
Сабитова Н. И., Стельмах А.Г., Таджибаева Н.Р., Нурматова Д.А. Системный анализ в изучении воздействия на рекреационные объекты оползневых процессов в Чимганском массиве	132
Сагдеев Н.З., Юнусов Г.Х. К вопросу об изменениях средних многолетних значений стока при удлинении рядов наблюдений	135
Солиев А.С., Тожиева З.Н. Иқтисодий география: иқтисодий интеграция ва ҳудудий номутаносиблиг	143
Тошов Х.Р. Ўрта асрлар Шарқ географлари томонидан яратилган баъзи асарлар хусусида	147
Уврайимов С.Т., Беканов К.К., Сафаров Э.Ю. Мирзо Улугбек илмий меросининг астрономия, геодезия ва картография фанларининг шаклланишидаги роли	151
Уразбоев А.К., Жониев О.Т. Амударё ҳозирги дельтаси тупроқ қоплами структурасининг ҳудудий табақаланиши	155
Уразбоев А.К., Тажиев Қ.Қ. Ҳудуднинг мелиоратив ҳолатини баҳолашда рельеф структурасининг роли	158
Усмонова Р., Муродова Д. Тоғ оралиқ ботиқларининг ландшафт хусусиятлари	160
Усмонов Ж., Алиқулов Ф.Н., Якубов А.Д. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	163
Федорко В.Н. Журнал «Известия Географического общества Узбекистана»: история, современное состояние и задачи на перспективу	168
Ҳакимов Қ.М. Топонимик ландшафт тушунчаси ҳақида	175
Ҳакимова К.Р., Абдукадирова М.А., Манопов Х.В., Ёқубов Ш. Экологик ҳариталаштиришнинг ривожланиши ва ундан фойдаланишнинг имкониятлари	178
Ҳакимова К.Р., Абдукадирова М.А., Абдухалилов Б.К. Фарғона водийсининг растрланган тасвири орқали рақамли моделини тузиш	181
Ҳикматов Ф.Х., Зияев Р.Р., Ҳикматов Б.Ф., Эрлапасов Н.Б. О многофакторной зависимости модуля стока рек от атмосферных осадков разных сезонов	185
Холиқов Р.Й., Декқонбоева М.Н. Фарғона вилоятининг сакрал ландшафтлари туризм ва рекреация объектлари сифатида	188
Шерхолов О.И. Навоий вилояти аҳоли сони динамикаси ва жойлашуви	191
Шомуродова Ш.Ғ. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг табиий географик ўрни, чегаралари ва туристик имконияти	194
Эгамкулов Х.Э., Нигматов А.Н. Эколого-правовая география - новое направление в науках о Земле в Узбекистане	198
Эшназаров Д.Б., Карабазов С.А. Геодезик пунктларни зичлаштиришда замонавий технологияларни қўллаш	201
Турғунов Д.М., Ярашев Д.Ў., Одилов Х.Д., Омонов Н.О. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасининг гидрометеорологик ўрганилганлигини баҳолаш	206